
Туманда амалга оширилаётган қурилишлар алоҳида назоратда

Бугунги кунда юртимизда бир-биридан ҳашаматли кўп қаватли бинолар, яшаш ҳонадонлари ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жой массивларини кўриб хавасингиз келади.

Туманимизда сўнгги йилларда турар жой бинолари, ижтимоий объектлар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

Хўш бугунги кунда қурилаётган биноларда қурилиш, мантаж ишлари сифати қай даражада? Маблағлар мақсадли сарф этилябдими?

Бу борада Қува тумани ҳокимлиги ҳамда туман прокуратураси томонидан ҳудудларда барпо этилаётган ижтимоий объектларда олиб борилаётган қурилиш ишлари доимий назоратга олинган.

“ - Ижтимоий объектларда қурилиш ишларининг бориши, ўз муддатида бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилган бўлиб, доимий равишда маниторинглар ўтказилиб борилмоқда дейди биз билан суҳбатда туман прокурори катта ёрдамчиси Авазбек Мадумаров. Хар бир объектга бириктирилган масъуллар ва ишчи гуруҳлар билан биргаликда ҳафтада бир марта бориб ўрганиш, сифатсиз ишларни ўз вақтида бартараф этиш, юзасидан ишчи гуруҳ томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан 2022 йилда қарийб 37,0 млрд сўм маблағлар ҳисобига 10 та ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва қайта реконструкция ишлари олиб борилаётган бўлиб, уларнинг мониторинг давомида 45,0 млн. сўмдан ортиқ сифатсиз ишлари жойида аниқланиб, уни бартараф этилиш таъминланди.

Назорат ишларини янада ошириш орқали қурилишда аниқланган барча камчиликлар тузилган ишчи гуруҳлар томонидан бартараф этилиб, лойиҳа смета ҳужжатлари асосида экспертиза ҳулосалари берилмоқда.

Мақсад қурилиш соҳасига, ҳусусан, янги бино ва иншоотлар, ижтимоий, янги ишлаб чиқариш объектлари ҳамда ҳусусий тадбиркорлик, турар-жой биноларида қурилиш ишлари сифатли олиб боришга қаратилган.

2022-08-06 12:21:47